

# ТОШКЕНТ ТОҚҚАШОМИЛ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 196 (9.999)

2003 ЙИЛ 7 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### Қисқара

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 327-мактабда Тошкент Давлат юридик институти 3-хуқуқ факультети талабалари ташаббуси билан «Хуқуқий маслаҳатхона» иш бошлади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда уюштирилган илмий анжуман «Талим соҳасидаги ислохотлар» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН**—Япония жамоатчилик марказида пойтахтимиздаги реабилитация марказларида даволанётган иқтидорли, ногирон болажонлар томонидан яратилган расмлар кўрғазмаси намойиш этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Японияда тахсил олиб қайтган магистрлар билан ураршув уюштирилди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ўтказилган тақдирот маросими XX аср бошларида яшаб ўтган маърифатпарвар олим Мунаввар қори Абдурашидхон томонидан яратилган асарлар нашрига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яна бир замонавий авиалайнерга эга бўлди. АҚШнинг Сизтл шаҳридан учган «Боинг-767» ҳаво кемасини Тошкент халқаро аэропортида авиакомпания раҳбарияти, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари кутиб олди.

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»НИНГ ОЛТИНЧИ «БОИНГ»И

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Миллий авиакомпания эришган ютуқлар, тобора ривожланиб бораётган халқаро алоқалар ҳақида гапирди.

— Самолёт паркимиз яна бир замонавий авиалайнер билан бойганидан жуда мамнунмиз, — деди Миллий авиакомпания бош директори Валерий Тянь. — Ҳар сафар янги самолёт сотиб олганимизда улкан бир гуруҳ хиссини туямиз. Ўзбек учувчилари МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб замонавий ҳаво кемаларида уча бошлади. Бу бизга авиация бозорига кенг йўл, янги-янги йўналишлар очиш имконини берди,

йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти юксалди.

— Авиакомпания ихтиёридаги ҳаво кемалари сонини кўпайтириш мамлакат тараққиёти учун катта аҳамиятга эга, — дейди «Боинг — Фуқаролик самолётлари» компаниясининг вице-президенти Крэг Джонс. — Мамлакатингиз ҳукумати, шаҳсан Президент Ислам Каримовнинг қўллаб-қувватлаши компанияларимиз ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишида кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Биз Ўзбекистондаги ишончли ҳамкорларимизнинг муваффақиятига шерик бўлаётганимиздан мамнунмиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпания-

сининг жаҳонга машҳур «Боинг» корпорацияси билан ҳамкорлиги 1996 йилда бошланган эди. Ўша йили биринчи «Боинг» сотиб олинган. Шундан буён ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Жаҳон авиация жамоатчилиги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясини ишончли шерик, изчил ривожланиб бораётган, йўловчи ташишнинг барча замонавий талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳамкор сифатида эътироф этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов иштирок этди.

## XXI сағоси

Барча мамлакатлардан олинган сўзга хабарлар

### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Абдулазиз Хафизович Комиллов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Факуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.
- Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида илк бор биринчи курс тингловчиларининг тантанали қасамёд қабул қилиши маросими бўлиб ўтди.
- Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган пулнинг ноқонуний айлиниши, терроризминг молиялашнинг олдини олишга бағишланган халқаро анжуманда нарқобизнес, ноқонуний курул-яроғ савдоси, инсон ҳуқуқларини поймол этиш билан боғлиқ муаммолар хусусида сўз борди.
- Тошкентда стандартлаш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга бағишланган халқаро семинар бошланди.
- Балиқчи туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги Андиджон вилоятида биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш бўйича йиллик режани бажарди.
- Чуст туманидаги Варзак қишлоғида жойлашган 19-махсус мактаб ўқувчилари учун 150 ўринга мўлжалланган янги мактаб бунёд этилди.

### Жаҳонда

- Исроилнинг Хайфа шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати Исроил ва Фаластин ўртасидаги низоани янада алангалатди.
- Шу йилнинг 16 ноябрида Сербияда Президентликка сайлов бўлиб ўтди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 73 ёшли Дроголюб Миичунович Президентлик учун ўз номзодини қўйган.
- «Интерфакс» ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Москва, Моздок ва Магасада террорчилик ҳаракатини содир этганликда гуноҳ қилинган шахс Ингушетия хуқуқ-тартиботни химоя қилиш органлари томонидан ушланди.
- АҚШ махсус хизмат ходимлари «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотининг Форс кўрфазидаги янги раҳбарининг шахсини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Уларнинг фикрича, ушбу худудда террорчилик ҳаракатларини Усама Бин Лодиннинг собиқ тан соқчиси Абу Хазм Ал-Шоир бошқаради.

## «ТОШКЕНТ ОПЕН» ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Яқинда Тошкентда теннис бўйича қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — Осиё чемпионати зўр муваффақият билан ўтган эди. Ана шу катта теннис байрамининг шуқуҳи тарқамай туриб, пойтахтимиз теннис ишқибозлари ва мутахассисларининг эътиборини яна ўзига қаратмоқда. Бу ерда «Тошкент опен» анъанавий аёллар халқаро теннис мусобақаси бошланди.

Мутахассислар фикрича, бир мамлакатнинг қисқа фурсат ичида кетма-кет иккита йирик халқаро мусобақага мезбонлик қилиши теннис тарихида камдан-кам кузатиладиган ҳолат.

«Тошкент опен» халқаро аёллар мусобақаси 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган. «Челленджер» сифатида бошланган турнир қисқа вақт ичида жуда оммалашиб, 1999 йили Аёллар теннис уюшмаси (WTA) турнири мақомини олди.

Ушбу мусобақанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, «Тошкент опен» нафақат тажрибали ва таниқли теннисчилар, балки профессионал спортга эндигина қадам қўйган иқтидорли ёшларни жамлаши билан ҳам бошқа турнирлардан фарқ қилади. Бир сўз билан айтганда, «Тошкент опен» - янги юлдузларни кашф этмоқда.


Жумладан, 2000 йилда турнир голибасига айланган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам, турнирнинг ўтган йилги чемпиони — швейцариялик Мари-Ганне Микаэлянь ҳам WTA Тош мусобақаларидаги муваффақиятли қадамларини Тошкентда ташлаган. Айни пайтда ҳар иккала спортчи ҳам аёллар теннисида ўз ўрни, обрў-эътиборига эга. Бундан ташқари, 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган турнир

голибалари — П.Вартуш (Австрия), А.Гавальдон (Мексика), А.Смашнова (Исроил), Б.Ламаде (Германия) ҳам бугунги кунда дунёнинг таниқли ракеткачиларига айланди.

Пойтахтимиздаги энг кўркам масканлардан бири — Тошкент теннис марказида мазкур мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди.

— Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спорт турлари, жумладан, теннисни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов. — Юртимизда йирик теннис турнирларини ўтказиш анъанасига айланди. Бошланаётган «Тошкент опен» мусобақаси ҳам ёшларимиз орасида спортнинг нафис тури — тенниснинг янада оммалашувига хизмат қилишига ишонамиз. Албатта, мазкур турнир бу йил ҳам теннис оламида порлайдиган янги юлдузларни кашф этади.

Шундай қилиб, тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари бир ҳафта мобайнида қизиқарли беллашуларга гувоҳ бўлади. Дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган теннис усталари «Тошкент опен» халқаро аёллар теннис мусобақасининг бош совринини қўлга киритиш учун корта чиқади.



Кечаги мусобақалар мутахассислар кутганидан ҳам чиройли комбинацияларга бой бўлди. Буни соҳа ходимлари теннисчилар мусобақага жиддий тайёргарлик кўргани билан изоҳламоқда. Дастлаб М.Головизина (Россия) ҳамда Е.Татаркова (Украина) кортага тушди. М.Головизина барча мусобақаларда ўйиннинг илк дақиқалариданоқ ташаббусини ўз қўлига олишга интилади. Бу сафар ҳам у рақибасини анча қийин аҳволга солиб қўйди ва икки сет натижасига кўра, 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги босқичга чиқди.

С.Окамато (Япония) ва Н.Тонгсали (Таиланд) баҳси ҳам кескин ва муросасиз кечди. Муносиб рақиблар голиблик учун астойдил курашди. Уч сет давом этган баҳсда С.Окамато 7:5, 1:6, 6:4 ҳисоби билан кейинги босқичга ўтди.

Хитой Тайпейдан келган 2003 йилги Осиё чемпионати голибаси Чин Вей Чанганинг бу сафар омади чопмади. У ҳарчанд уринмасин германиялик рақибаси А.Барнани енга олмади - 4:6, 4:6. Шу кунги Л.Скавронская (Россия) ҳамда К.Лигган (Ирландия) учрашувида 6:4, 3:6, 6:4 ҳисоби қайд этилди.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,  
Бехбуд БОТИРОВ,  
Ўза Мухбирлари**

**Иқтисодиёт**

**ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЛАР**

«Тошкентмебель» акциядорлик жамиятида маҳаллий хомашё — терак, ёнғок, тол ва қайрағочлардан мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Пойтахтимиздаги қай бир мебель дўкони қирманг «Тошкентмебель» тамгаси туширилган махсулотларга қўзингиз тушади. Ушбу мебелларнинг замонавий дизайнини кўриб, фахрланасан киши. Хорижликдан қолишмайдиган бу мебеллар «Файз» холдинг компанияси тизимидаги жамоалар томонидан тайёрланаётгани кувончли.

— Мамлакатимизда нафақат мебелсозлик, балки қурилиш учун ҳам маҳаллий хом ашё етарли, — дейди «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти раиси Тўрабек Назаров. — Масалан, терак, чинор, ёнғок, тол, қайрағоч каби дарахтлар бор. Аини дамларда махсулотимизнинг кўпгина қисми худди ана шу хом ашёдан ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонанинг йиллик ҳисоботларини кўздан кечирар эканмиз, куйидаги маълумотлар эътиборимизни тартади, корхонада 2002 йилда 381 миллион сўмлик мебеллар тайёрланган. Жамоа худди ўша йили тендерда голиб чиқиб, замонавий усулда бунёд этилаётган лицей ва коллежларга ўқув мебелларини тайёрлаб беришдек ҳуқуқни ҳам қўлга киритган. Жорий йилда эса 510 миллион сўмлик ана шундай махсулотларни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Корхона жамоаси 2000-2001 йиллар мобайнида 80 минг АҚШ доллари қийматидаги ўз махсулотларини экспорт қилишга ҳам улгурди. Дарвоқе, корхонада маҳаллий хом ашёдан қўл меҳнати асосида тайёрланаётган мебелларга шу кунларда Словения ҳамда қўшни Козогистон Республикасидан талай талаблар тушган.

**БУЮРТМАЧИЛАР ДИДИГА МОС**

Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган «Ривожбарака» хусусий фирма тадбиркорлари ҳам иқтисодиётимизнинг эртанги кунига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган жамоалардандир.

Фирма қошида таркиб топган модалар уйида тикувчилик буюмларини яқка тартибда тикиш ва таъмирлаш бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилган.

— 2002 йилда иш бошлаганмиз, — дейди жамоа раҳбари Раъно Шоносирова, — аини кунларда Адолат Абдухонува, Наргиза Ганиева, Дилдора Ёкубова каби қўли гул моҳир тикувчиларимиз Германиянинг «Зингер» тикув машинасида жамоамиз қизларига тикувчилик сирларини ўргатишмоқда. Олдинлари корхонамизда аёллар кийим-бошлари тикилиб, эркаклар кийимлари қайта таъмирланарди. Яқин кунлардан бошлаб эркаклар кийимларини тикишни ҳам йўлга қўйдик. Қизларимиз томонидан тикилган яқка буюртмалар сифатли, энг муҳими ҳамёнбон бўлиб буюртмачиларимиз дидига мосдир.

Шахло ХОШИМОВА

**• БАНДЛИК**

**ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШДИ**

Бекатта етиб келганимизда беихтиёр икки ёш суҳбатининг гувоҳи бўлдик.

— Ўқишни битирибсан, ҳозирда нима иш билан бандсан?

— Кўни кеча меҳнат ярмаркасида қатнашиб, ўзим хоҳлаган ишга йўлланма олдим.

— Ундай бўлса, табриклайман...


Ушбу «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасини Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши ҳамкорликда «Гулшан» номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказдилар.

Меҳнат бўлимининг жонқуяр нозирлари туманда мавжуд бўлган 49 та маҳалларда банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, рўйхатга олиш, уларни ихтисосликларига қараб ўз хоҳишларига қўра ишга жойлаштириш бўйича ибратли юмушларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, мазкур меҳнат ярмаркаси ҳам тумандаги корхона ва ташилотлардаги бўш иш ўринлари ва янги ташкил этилган иш жойларига банд бўлмаган аҳолини жалб этишдек хайрли мақсадни кўзлаб ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасида тумандаги 46 та йирик корхона, ташкилотлар 1086 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Улардан «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, «Deutsche kabel AG Tashkent» акционерлик жамияти қўшма корхонаси, «Узкабель» давлат акционерлик бирлашмалари каби корхоналардан масъул ходимлар ҳам иштирок этиб,

меҳнат ярмаркасида қатнашган 724 нафар фуқароларга (улардан 70 фоиздан кўпро-

сан мазкур ярмаркани ташкил этиш ва ўтказишда фаоллик кўрсатдилар, — дейди Мир-



ғини ёшлар ташкил этди), тегишли маслаҳатларини ҳам аямادилар.

— Меҳнат бўлимининг йигирмага яқин ғайрат-шижоватли ходимлари режага асо-

зо Улуғбек туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими раҳбари Ғайрат Мухиддинов. Дарҳақиқат, ишга жойлаштириш ва касбга

қайта ўқитиш шўъбаси муди-раси Матлуба Норқулова каби кўплаб малакали ходимларнинг ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар бажараётган юмушларининг салмоғи билан ҳамкасбларига ҳар томонлама ўрнат бўлмоқдалар.

Шу кўни ўтказилган меҳнат ярмаркаси жорий йилда меҳнат бўлими томонидан ўтказилаётган иккинчи тадбир бўлиб, унда 140 нафар банд бўлмаган иш изловчи фуқаролар ўзларига маъқул келган касблар бўйича ишга йўлланмалар билан таъминландилар.


Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир фуқаронинг ўзи хоҳлаган, қизиққан иш билан машғул бўлиши нафақат ўша фуқаронинг ўзига, балки унинг оиласи, маҳалласи, умуман жамиятга ҳам фойдали, албатта. Биринчидан, у моддий манфаатдор бўлса, асосийси, бекорчиликнинг турли кўчаларига ҳам қирмайди, ундан келиб чиқадиган ҳар-хил нохушликлардан узоқроқ бўлади. Пойтахтимиздаги барча меҳнат бўлиmlари иш берувчи билан иш қидирувчилар ўртасида беиминат воситачилар ҳисобланадилар. Бинобарин, ёрдам, маслаҳат сўраб мурожаат этадиган фуқароларимиз учун меҳнат бўлими эшиклари ҳамisha очиклиги эътиборга лойиқдир.

Муҳаббат

ХАБИБУЛЛАЕВА

**СУРАТЛАРДА:** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» номли маданият ва истироҳат боғида меҳнат бўлими томонидан ўтказилган навбатдаги «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасида лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



Ўғил-қизларимизнинг шинам ва ёруғ синф хоналарида таълим-тарбия олишлари, яратилган барча имкониятлардан, шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб мазнан етук, жисмонан соғлом бўлиб етишишлари барчамизни кувонтиради. Негаки, улар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз яратувчиларидир.

**• БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА**

**МАКТАБГА ҚЎШИМЧА БИНО**

Чилонзор туманидаги 168- умумтаълим мактабида педагог ва ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида яна бир қўшимча бино қад ростлади. Ушбу бинодан ўқувчилар учун синф хоналари, ўқитувчилар хонаси, фаоллар ва спорт заллари, охиона ўрин олади.

Бинонинг қурилиш-тиклаш ишларини шаҳримиздаги «159-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширишди. Аини кунларда ушбу бинода пардозлаш юмушлари қизгин давом этмоқда. 80 нафардан зиёд қурувчи ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётган мактабнинг қўшимча биносини талаблар даражасида қуриш ва пардозлашда бош пудратчиларга ёрдамчи пудратчилар-53 ва 21-қурилиш бошқармалари фаоллик билан кўмак бермоқда.

— Асосий ишларни амалга ошириб бўлдик, — дейди бригадир Жўра Нурбоев. — Пардозлаш ва ободонлаштириш юмушлари ҳам ниҳоясига етган, бинони фарзандларимиз ихтиёрига топшираемиз. Ўйлайманки, биз қурган синф хоналарида доно ва зуқко ўғил-қизларимиз билим олишади.

Ҳа, бунёдкорлар меҳнатидан мактаб жамоаси, ота-оналар ва ўқувчилар мамнун бўлиши, шубҳасиз.

Дилноза ФИЁСОВА

**СУРАТЛАРДА:** мактаб биноси қурилишида. Алексей Попов олган суратлар.

**• ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ**

**АҲОЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА**

Халқимизда «Қишнинг ғамини ёзда е» деган ибратли мақол бежизга айтилмаган. Фасллар орасидаги вақт кўз очиб юмгунча ўзгариб туриши ҳеч кимга сир эмас. Ҳар бир фасл инсонга яшаш шароитида катта масъулият юклайди. Баҳор — озодаликни янши кўрса, ёз — оромгоҳларга чорлайди. Куз — саранжомликни севса, қиш — тайёргарликни ёқтиради. Қишда аввало инсон учун ишдан ҳориб келганда иссиққина уй—жонинг ҳузурини. Ҳамшаҳарларимизга мана шундай шароитни яратиш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатлари эрта баҳордан керакли ишларни бошлаб юборишган.

Сергели туманидаги «Дўстлик юлдузи» уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи Раҳматулла Примов билан қишга тайёргарлик ишлари, ширкатга қарашли хонадонларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Аини кунда «Дўстлик юлдузи» ширкати тасарруфига ҳар бири кўп қаватли 30 уйдан иборат 2100 хонадон қарашли. — Сир эмаски, бу соҳада ишлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Хонадон эгалари билан ҳамжиҳатликда ишлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, муаммо ва камчиликларни тез орада ҳал этиш, шунингдек, яшовчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам тўғри аниқлаш албатта осон иш эмас. Баҳамжиҳатлик орқалигина ширкатда ривожланиш бўлади. Бунда эса аввало яшовчиларнинг ҳиссаси катталигини, биргаликдаги меҳнатнинг самарасини чуқур аниқлаш лозим деб ўйлайман,

— дейди ширкат раҳбари.

Раҳматулла аканинг сўзларига қараганда ширкатда кузги-қишги тайёргарлик ишлари эрта баҳордан бошлаб юборилди.

— Тайёргарлик ишларини аввало, ертўла қувурларини капитал таъмирлашдан бошладик. Тик қувурлар, иссиқлик қувурлари ширкат кучи билан таъмирланди. Шунингдек, уйларнинг йўлакларини режа асосида таъмирланди, бинолар атрофи тозаланди, — дейди ширкат раҳбари.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги болалар майдончасини қуриш, барча йўлакларни таъмирлаш «Дўстлик юлдузи»нинг режалари қаторидан ўрин олган. Қўриб турибдики, ширкат ходимлари ўз олдига қўйган вазифаларни бирин-кетин ҳал қилишга интиломоқдалар. Энг муҳими, яшовчилар уларнинг меҳнатидан мамнун.

Орзугул РУСТАМОВА

**ТИЛШУНОСЛАР АНЖУМАНИ**

Шу йилнинг 15-17 октябрь кунлари Тошкентда тил ва тарққиб масалаларига бағишланган олтинчи халқаро анжуман бўлиб ўтади. Анжуман Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Британия кенгаши томонидан уюштирилмоқда.

Лингвистика масалаларини муҳокама этишга қаратилган ушбу тадбир мамлакатимизда илк марта ўтказилмоқда. Унинг мақсади тил сўбасати, тил ўқитишни ўрганишга оид муҳим масалаларни муҳокама этишдан иборат.

Анжуманда Осиё, Африка, Шимолий Америка ва Европадаги ўттиз мамлакатдан икки юзга яқин олимларнинг қатнашиши уни катта халқаро воқеага айлантиради. Унда Ўзбекистондан юзга яқин мутахассислар қатнашади. Йилда таълим соҳаси мутахассислари, ўқитувчилар, раҳбарлар ва сиёсатчилар, шунингдек, тарққиб масалалари бўйича экспертларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Дастлаб бундай анжуман 1993 йили Бангкогда ўтказилган. Шундан буюн у ҳар икки йилда Жанубий-шарқий Осиёнинг турли мамлакатларида ўтказиб келинмоқда.

Бу йил ўтказилаётган анжуманнинг ўзига хослиги шундаки, у биринчи марта Жанубий Шарқий Осиё доирасидан чиқди, иккинчидан у илк бор инглиз ва рус тилларида ўтказилмоқда.

Анжуманнинг Тошкентда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлиб, миллатнинг шаклланиш жараёнида тил масалалари муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**ЖЎШҚИН ҲАЁТ ШАЙДОСИ**

Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусаввир Борис Котлов хотирасига бағишланган "Бахтиёр кўзлар" мавзусида кўргазма очилди.

— Вақт — бу энг олий ҳақамдир, деди мусаввирнинг ўғли, дизайнер Владимир Котлов "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Отам жўшқин ҳаёт шайдоси эди. Уйимиз доимо Р.Ахмедов, Ҳ. Тансиқов каби таникли rassomлар билан гавжум бўларди. У қалам, қорғоз ва акварель бўёқларни олиб, дўстлари билан табиат қўйнига интиларди. Бир куни дўстларидан бири менга қизик воқеани гапириб берди: "Биласанми, Володя, дадан моҳир rassom, унга махсус мусаввирлик анжомлари керак эмас. У қўлмақдаги сувга мўйқаламини ботириб ажойиб асар яратади", — дегани ўшанда. Мен маълум маънода отам иши давомчисиман. Бугунги кўргазма ни ташкил этишда ёрдам кўрсатган барча дўстларига катта раҳмат дейман. Хотира эса бу улуг туйғудир.

Борис Котлов Приморе ўлкасининг Николаев шахридаги вагон қурувчилар оиласида туғилган. У ота-боболари ишини вагонсозлик корхонасида давом эттира бошлади. Аммо, уруш туйфайли корхона Самарқандга қўчирилди. Шу ерда у илк бора қўлига қалам олади.

Мусаввир ўз орузи йўлида тинмай меҳнат қилди. У Байкалдан то Болтиқ бўйига қадар, Ўрта Осиёнинг жанубий чегараларидан Украинага қадар айланиб чиқди. Таассуротлар rassomнинг туркум манзараларида ўз аксини топди. Масалан, "Украинада", "Янги киш-лоқ ёнида", "Қуз яқин", "Лопақизалдоқдаги тушлар дарёси" шулар жумласидандир.

У кейинчалик ўз ижоди ҳақида шундай ёзади: "Мен табиатдан нусха олишга, ёхуд тақдорлашга уринмадим, балки унинг бағрида яшашга интилдим. Доимо қалб кўримни ижодга бахшида этдим".

"Туркистон-пресс"

Катъиятли, софдил, интизомли, масъулиятни чуқур англайдиган устозимиздан биз шогирдларга шу олижаноблик, мурувватлилик хислатлари мерос бўлиб ўтди. Чунки ўз устози билан ҳар куни кўришиб у кишининг ибратли ҳаёт тажрибаларидан баҳраманд бўлиш ҳам бир бахтдир. Хозирда ўзимиз ҳам устозлик макромига етган бўлсак-да, мураббийларимиз олдида ҳаммаша таъзимда бўлаемиз. Шарқ алломаларининг асарларига меҳр қўйиб, уларни чуқур таҳлил этиб, талабалар онгига синдириш учун ҳам билим, салоҳият ва чидам керак. Абдулла акада мана шу хислатлар мужассам


Абдулла ака кексалик билини эриб ғайрат, шижоат билан эл равнақиға, ёшларни юртга фидойилик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Талаба ёшларга, магистр ва аспирантларга фалсафа фанининг инсон фаолиятидаги ўрни, маънавиятнинг таркибий қисми эканлигини ҳаммаша таъкидлаб сабоқ берадилар.

Устознинг ҳаёт мактаблари мазмунли ва ибратлидир. Абдулла ака фалсафа кафедрасининг мудири бўлган кезларида фалсафа соҳасида етук шогирдлар тайёрлашда, илмий ишларни яқунлашда, давлат имтиҳонларини топшириш даврида ҳалоллик, қатъийлик, тўғрисиқлик билан муносабатда бўлар эдилар. Менинг ҳам фалсафа соҳасини чуқур ан-

**• ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ**

**МЕҲРИ ДАРЁ УСТОЗГА ТАЪЗИМ**

Фарзандлар камолдан, уларнинг ҳаётда топган ўринларидан, шогирдларнинг ютуқларидан куч-қувват олиб умргузаронлик қилиб келаётган олижаноб инсон Абдулла ака Аюпов 80 ёшда ҳам бардам, йигитлардек алп қоматли бўлиб, юз-қўзларида ҳаётларидан мамнуният акс этиб туради. Ўзбекистоннинг машхур файласуф олими, фидойи устоз А. Аюпов талабалик йилларида фалсафа фанига қалбимизда, онгимизда муҳаббат уйғотган инсондир.



лаб етишимда, номзодлик илмий ишимни химоя қилишимда ёрдамларини ҳеч аямас эдилар.

Заҳматқаш мураббийнинг шогирдлари орасидан республика оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган газета, журналларнинг бош муҳаррирлари, таникли шоир ва ёзувчилар, етук, таникли шарқ фалсафаси тарихининг билимдонлари етишиб чиқ-

Хизмат вазифаси юзасидан Ўзбекистон «Ойна жаҳон»и-

да «Устоз ва шогирд» саҳифасида Абдулла ака билан ҳаёт тажрибалари ҳақида сўхбат қилиш мақсадида эканимни айтганимда уларни кўндириш осон бўлмади. Ҳа, Абдулла ака Аюпов бағри кенг, камтарин инсон, у киши билан бир гурунглашсангиз, ҳаёт чорраҳаларида учраб турадиган кўнгилсизликларни унутиб юборасиз. Чунки Абдулла ака ҳаётга жуда теран боқадиган, келажакка ишонч билан ишайдиган инсонлар сирасига кир-  
ради. У киши иккинчи жаҳон

уруши жангҳоларида ҳам жасорат намуналарини кўрсатганлар. Ёшларга ўнак бўладиган юрт фидойиси Абдулла ака хозирда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича яна кўп илмий рисоаларни яратиш ниятидалар.

Юрт келажағи, равнақи йўлида бутун умрини ёш авлодни тарбиялашга, унга илм беришга, яхши сўз, чиройли хулқ, покиза қалб эгаси этиб воёга етказишдек шарафли вазифани Абдулла ака ўзи учун инсоний бурч деб билади.

Заҳматқаш ва камтарин мураббийга бизнинг тилагимиз шуки, дўстлар, фарзандлар, шогирдлар ардоғида ҳаммаша эҳтиромда бўлиб юринг. Сизнинг гоятда бой ҳаётий тажрибангиз беқиёс ибрат мактабидир. Шу ёшда ҳам дилингизда ғайратингиз тошиб, савоб ва хайрли ишларда бош-қош бўлиб, эл-юрт назарида юринг, мўътабар Устоз!

Дунёда ким улуг

десалар,  
Деймиз, улуг зот бу  
устозлар.  
Қалбларичи меҳр ва  
нурга  
Лим-лимдир, азиз  
устозлар!

Илму фаннинг сирларини  
ўргатдингиз, офарин!  
Эзгуликнинг йўлларини  
Кўрсатдингиз, офарин!

Азизахон  
ЗАЙНИТДИНОВА,  
шарқшунос олима.

**ЭКОЛОГИЯ МАДАНИЯТИ ЗАРУР**

Тошкентдаги "Шератон" меҳмонхонасида "Экосан" халқаро жамғармаси, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамкорлигида "Экология, маънавият, маданият, тарих ва ҳозирги замон" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

— Бутун дунёда, шу жумладан, Марказий Осиёда вужудга келган мураккаб экологик вазият кўпгина ҳолларда инсон, жамият ва табиат орасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқдир, — деди "Экосан" халқаро жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Анжумани ўтказишдан мақсад халқимизнинг нихоятда бой тарихий, маданий мероси, қадриятларимиздан фойдаланган ҳолда ҳар бир инсон, айниқса ёш авлод тарбиясида самарали ва кенг қамровли экологик таълим тизимини яратишга, умуман олганда жамиятнинг маънавий ва маърифий тарбиясини оширишга қаратиш зарур. Республикадаги мавжуд иқтисодий вазиятда ҳукуматимиз томонидан миллий даромаднинг 1-2 фоизи экологик муаммоларни бартараф этишга йўналтирилди. Европа иттифоқиға аъзо мамлакатлар, АҚШ, Япония ва бошқа кўпгина тараққий этган давлатлар тажрибаси атроф-муҳит муҳофазаси учун сарфланган маблағ вақти келиб катта иқтисодий самаралар беришини яққол кўрсатмоқда. Буни хайриятки, вазирликлар, идоралар, корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар тушуниб ета бошладилар. Аммо, қайтариб айтганда, экология маданияти, инсонлар онгидида "фойдаланиш маданияти"ни шакллантириш алоҳида эътиборга муҳтож, — деб қайд этди Юсуфжон Шодиметов.

Шунингдек у, 2003 йилда Ўзбекистон ҳукумати халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар ёрдамида Оролбўйи худудидаги экологик ахволни яхшилаш учун 20 миллион доллар ҳамда мавжуд лойиҳаларни амалга ошириш учун йил охиригагача 80 миллион доллар сарфланшини хусусида гапирди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон, Қирғизистон, Россия ва Миср халқлари аънаваларидаги экологик маданият ҳақидаги маърузалар тингланди. Марказий Осиё халқларининг табиатга, атроф-муҳит муҳофазасига бўлган муносабатларининг тарихий негизи, бой тарихий қадриятларимиз асосида аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда экологик таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш борасида фикр юритилди.

Тадбирда жамиятнинг экологик маданияти ва маърифати шакллантиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди. Мақсадга эришиш учун адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат, диний таълим, маданий-маърифий марказлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Улар асосий эътиборни табиатни асраб-авайлаш борасидаги халқ аънаваларини тиклашга қаратиши, табиий захиралар, айниқса сув ва ёрдан оқилана фойдаланиш, курраи заминимизни, ундаги бор неъматлари билан тўла-тўқис ва соф ҳолда келажак авлодларга етказиш зарур.

"Туркистон-пресс"

**ҲАЗИМ ҚАДРИЯТЛИ ЎЗБЕГИМ**

Истараси иссиқ дединг, бу халқ ким, Иймони бут, босиқ дединг, бу халқ ким, Букур оёзд бош бўғиним туркийим, Кенг жаҳонга баргин очган ўзбегим.	сурган ўзбегим. Лафзи ҳалол, танти юрган ўзбегим. Тарбияни боши доим оила, Катталарга ҳурмат саховат ила, Қариндошу қадрдонинг авайла, Минг-минг йиллик қадриятли ўзбегим. Йигит-қизи ориятли ўзбегим.
Олоҳ виждон, матонатин сийлар боз. Кўкрагиға шамол тегди: қандай соз. Энди арзир қўйса баралла овоз. Қадамлари эркинлашган ўзбегим. Сарви қадди тетиклашган ўзбегим.	Давраларда гул-ла ўлчанмас одам, Меҳнат билан толгани унга малҳам, Бори-йўғин бирга қўрқаркан баҳам. Бир-бирга оқибатли ўзбегим, Қуда-анда кўп савлатли ўзбегим.
Андишали — ҳусни билан керилмас, Алдқочини ҳечам бир бахти қулмас. Тарбиясиз муттаҳам-чи севилмас, Бундайларни нари	<b>Абдуҷаббор ОБИДОВ.</b>

**ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА**

Тошкент давлат юридик институти томонидан Юнусобод туманидаги 327-умумий ўрта таълим мактабда "Ҳуқуқий маслаҳатхона" ташкил этилди.

— Мазкур маслаҳатхона мамлакатимизнинг асосий қомусини ёшларга кенг тушунтириш, давлатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлардан мактаб ўқувчиларини хабардор қилиш мақсадида ташкил этилди, — деди Тошкент Давлат юридик институти талабаси Сарвар Солиев. — Ёшларимизни асосий қомусимиз, унинг яратилиш тарихи ҳамда унда акс этган ҳуқуқ ва бурчлари жуда ҳам қизиқтиради. Шу босис институтиимиз ҳуқуқ факултетининг учинчи курс талабалари томонидан Юнусобод туманининг кўпгина мактабларида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилди.

С.Солиевнинг таъкидлашича, мактабларнинг дарс жадвалларига конституцияни ўрганиш бўйича кўшимча курслар киритилди. 327-мактабда мингга яқин ўқувчи таъсис олади. Демак, бундай ҳамкорлик шунча ўқувчининг ҳуқуқий би-

лимини оширишга имкон беради. Хозирда ҳуқуқий терминларни осон тушунадиган тилда, содда ва равон ўргатишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Бунда нафақат болаларни қизиқтирган саволларга Балки, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарни ҳам қизиқтирган саволларга ҳам жавоб бериб келиняпти. Дарслар юридик институти талабаларига ҳам катта масъулият юклайди.

— Машғулотлар давомида ёшларга ғиёвандлик ва ҳуқуқбузарлик каби салбий иллатларнинг зарарли оқибатлари тушунтириб берилади. Ҳар бир дарс мубайнида асосий қомусимиздан ўрин олган моддалар ҳам унга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳақида ҳам маълумот бериб борилади.

• ШИРКАТЛАРДА

# КАМАРБАСТА БЎЛИШСА...

Бир-бирини тушуниш, ҳамжихатликда ягона мақсад — уй-жойлар ҳолатини яхшилаш, намунали хизматни ташкил этиш йўлида уй-жой мулкдорлари ширкати ва хонадон эгаларининг саяб-ҳаракати ўз самарасини бериб, коммунал соҳадаги ислохотларни амалга оширишга муҳим ҳисса қўшишга интилаётган жамоалардан бири Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган Абдували Абдуқаюмов номидаги ширкатдир.

Ушбу ширкат туманда биринчилар қаторида ташкил этилган бўлиб, унга 11 та турар-жой биноси бириккан. Ўтган тўрт йил давомида ана шу уйларда яшовчи 470 та хонадон аҳлида ўз мулкига муносабатини шакллантириш, турар жойларнинг саранжом-саришталигини сақлаш, авайлаб - асрашга ўргатиш борасида жуда кўп ишлар қилинмоқдаки, мана шу саяб-ҳаракатлар бугунги кунда уйларнинг ҳолатида, ён-атрофдагиларнинг ободлигида, яшовчиларнинг ҳамжихатлигида яққол кўзга ташланмоқда.


— Аввало ширкат ходимларимиз ишини яшовчилар билан ўтказилувчи мажлис ва учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда ташкил этишга интиламиз, — дейди ширкат бошқаруви раиси Низомиддин Шодмонхўжаев. — Тасарруфимиздаги ҳар бир уйнинг ҳолати, муаммолари бизга аён. Улар билан 8 нафар уй бошқарувчилари орали алоқаларимиз мустаҳкам. Шуниси қувонарлики, ташкил топган пайтимида хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ағнагина қарзимиз бор эди. Бугунги кунга келиб эса ушбу қарзлардан батамом қутулдик. Аввало, хонадон аъзоларига қишин-ёзин қўлай шароитларни яратиш билан бирга, уйларимизнинг ён-атрофи, ҳовли ва йўлакларни ораста сақлаш, ободонлаштириш ишига яшовчиларни жалб этган ҳолда эътибор қаратдик. Чикинди ташланмаган жойлар тартибга келтирилди, уйлар олдидаги ноқонуний қурилишларга барҳам берилди. Мевали дарахтлар ва гул қўчатлари экишга аҳамият қаратилди. Мана бугунги кунга келиб ширкатимиз ҳовлисидаги 2 сотихли майдонда гулхона барпо этилган. Ўзим ҳам ширкат-

га қарашли турар жой биносидида яшаганим боис кечаю кундуз уйлардан бохабарман. Шунингдек, ҳар йили январь ойида ўтган йил ҳисоб-китоблари ҳақида аҳолига ҳисоб берамиз ва бошқарув аъзолари билан қилиниш лозим бўлган энг муҳим ишларни режалаш оламиз. Кундалик буюртмалар эса тахрибатчи чилангар, пайвандчи ва сантехникларимиз зиммасига масъулият юклайди. Шу боисдан ҳам уларнинг ўз ишларини пухта бажариши ҳар доим назоратда. Негаки, кўп учидида бажарилган иш эртага ўзимизга панд бериши, бизга нисбатан яшовчилар ишончи йўқолиши мумкин. Сирасини айтганда, барча саяб-ҳаракатларимиз уйларини буюртмалар бўйича жорий таъмирлаш ҳам ниҳоясига етмоқда.

Албатта, ишлари янада ривожланиб аҳоли томонидан бугунги кунда муаммо бўлиб турган тўловлар ўз вақтида бажарилса, келгусида ширкатнинг режаланган юмушлари талайгина. Ёшлар учун спорт майдони, яъни волейбол ва баскетбол ўйингоҳи, шунингдек гўзал оталар масканини бунёд этишни ният қилишган. Бу ишга яшовчилар бир ёқадан бош чиқариб ёрдам беришса, уюштирилмаган хашарларда фаол қатнашишса, у тезроқ амалга ошиши тайин. Тўғриси, 13 нафар ширкат ходимининг ҳаракати билан барча муаммоларни ҳал этиш, ишларни кўнгилдагидек бажариш мушкул. Уларга мулк эгалари — хонадон аҳли ҳаммиша камарбаста

бўлса, уйлар обод, кўнгиллар эса шод бўлади.

**Дилноза ФИЁСОВА**  
**СУРАТЛАРДА: (чапдан) бош муҳандис Акмал Эшпўлатов, ширкат раиси Низомиддин Шодмонхўжаев ва бош ҳисобчи Аҳсам Абдуллаевлар қилинажак ишлар хусусида фикр юритишмоқда; чилангар-сантехник Ҳасан Мухсимов ишларни пухта бажаришга одатланган.**  
**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**



ни буюртмалар бўйича жорий таъмирлаш ҳам ниҳоясига етмоқда.

• ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

# САЪЙ - ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молияланаётган Урбан институт (Тошкентнинг «Марказий Осиёда маҳаллий бошқаруви ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган «2003 йилда Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсидаги энг яхши фаолият кўрсатган уй - жой мулкдорлари ширкати» танловида пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган «Файзлик» ширкати ғолиб деб топилди, «Энг яхши ширкат» номига сазовор бўлди.

Ушбу ширкатга танлов ҳомийлари — Ўзбекистон очик жамият Кўмак жамғармаси институти ва Урбан институти томонидан умумий қиймати 50 миң АҚШ долларилик ютуқ доғларасида 10 миң доғларлик грантни қўлга киритиш натижасида.

2000 йилда ташкил этилган юқоридаги ширкатнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у битта турар жой биносини ўз тасарруфига олган. Унинг ширкат ҳодимлари 4 кишидан иборат бўлиб, улар ширкат раиси, ҳисобчи, сантехник ва фаррошдир. Бошқарув аъзолари 3 нафар, улардан бири муҳандислик - коммуникация, техника хавфсизлиги иш-

рига, иккинчиси эса лифт ва томнинг ҳолатига, ойига икки марта тўловларни йиғишга жавобгардир.

— 9 қаватли уйимизнинг йўлакли бўлиши, 36 та хонадонда 131 нафар яшовчилар мавжуд, — дейди ширкат бошқаруви раиси Нина Югай. — Битта уйда ширкат ташкил этишининг қўлай томони шундаки, зарур пайтда хонадон эгаларини йиғиш, керакли фикр - мулоҳазалар билан ўртоқлашиш осон бўлади. Энг асосийси эса хонадонлар аҳли тўлаган фойдаланиш ҳаражатлари фақат ўз уйларининг ҳолатини яхшилашга сарфланганини баҳра билади. Уйимизнинг муҳандислик-коммуникация ишлари тизимлари

2001 йилда туман ҳокимлиги томонидан тубдан таъмирлаб берилди. Албатта, уй — ўз мулкимиз, хонадон эгаларининг ҳар бири мулкдор саналади. Ана шу мулкимизни асраш, кўз қорачиғидек сақлаш, орасталигига эришиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини яшовчиларга тушунтириб берамиз. Фаолиятимиз давомида бизга «Ўзкоммунизмат» агентлигининг ўқув маркази, Урбан институти (Тошкент), Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Федерацияси катта ёрдам бериб келаятганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Мана шу амалга оширилаётган ишлар, кўзланган режаларни бажариш йўлидаги саяб - ҳаракатлар эвазига қўлга киритилган грантдан қандай фойдаланиш ниятидасиз? — Албатта, ушбу муқофотни олганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Уни, шубҳасиз уйимиз ободлиги, яшовчиларга қўлайлик яратиш мақсадида сарфлаймиз. Бошқарув аъзолари, уй кенгаши билан келишган ҳолда уйимизнинг ташки ҳолатини яхшилаш, ертўлаларни тартибга келтиришни мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, келгусида уйимиз олдида саломатлик маркази бунёд этишни ният қилганмиз. У ерда тренажёр зали, болалар учун спорт майдончаси ҳам бўлади. Барча ишни яшовчилар билан бамаълаҳат, уларнинг қўмағига таяниб олиб бораёلمиз. Битта уй бўлишига қарамай, бизда ҳам қарздорлар топилди. Лекин биз хонадон эгаларига қатъий талаб қўйганмиз: шу уйда яшаб барча қўлайликлардан баъ - баравар фойдаланган, қўнчилар ҳисобига яшамаслик керак. Бу нарсани барчага тушунтиришга интилаёмиз.

— Мана шу амалга оширилаётган ишлар, кўзланган режаларни бажариш йўлидаги саяб - ҳаракатлар эвазига қўлга киритилган грантдан қандай фойдаланиш ниятидасиз? — Албатта, ушбу муқофотни олганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Уни, шубҳасиз уйимиз ободлиги, яшовчиларга қўлайлик яратиш мақсадида сарфлаймиз. Бошқарув аъзолари, уй кенгаши билан келишган ҳолда уйимизнинг ташки ҳолатини яхшилаш, ертўлаларни тартибга келтиришни мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, келгусида уйимиз олдида саломатлик маркази бунёд этишни ният қилганмиз. У ерда тренажёр зали, болалар учун спорт майдончаси ҳам бўлади. Барча ишни яшовчилар билан бамаълаҳат, уларнинг қўмағига таяниб олиб бораёلمиз. Битта уй бўлишига қарамай, бизда ҳам қарздорлар топилди. Лекин биз хонадон эгаларига қатъий талаб қўйганмиз: шу уйда яшаб барча қўлайликлардан баъ - баравар фойдаланган, қўнчилар ҳисобига яшамаслик керак. Бу нарсани барчага тушунтиришга интилаёмиз.

— Мана шу амалга оширилаётган ишлар, кўзланган режаларни бажариш йўлидаги саяб - ҳаракатлар эвазига қўлга киритилган грантдан қандай фойдаланиш ниятидасиз? — Албатта, ушбу муқофотни олганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Уни, шубҳасиз уйимиз ободлиги, яшовчиларга қўлайлик яратиш мақсадида сарфлаймиз. Бошқарув аъзолари, уй кенгаши билан келишган ҳолда уйимизнинг ташки ҳолатини яхшилаш, ертўлаларни тартибга келтиришни мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, келгусида уйимиз олдида саломатлик маркази бунёд этишни ният қилганмиз. У ерда тренажёр зали, болалар учун спорт майдончаси ҳам бўлади. Барча ишни яшовчилар билан бамаълаҳат, уларнинг қўмағига таяниб олиб бораёلمиз. Битта уй бўлишига қарамай, бизда ҳам қарздорлар топилди. Лекин биз хонадон эгаларига қатъий талаб қўйганмиз: шу уйда яшаб барча қўлайликлардан баъ - баравар фойдаланган, қўнчилар ҳисобига яшамаслик керак. Бу нарсани барчага тушунтиришга интилаёмиз.

Шарофат БАХРОМОВА.

## УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:

ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Маълумки, шахримизда ҳар йили қишки мавсум бошланиши олдинда «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси томонидан 1 сентябрдан 1 ноябргача «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги» тадбирини ўтказиш аънавага айланган. Айни кунларда тадбирнинг биринчи ярми якунланиб, иккинчи босқичи жойларда муваффақият билан давом этмоқда. Ана шу тадбирнинг амалга оширилиши, ўтган бир ойда бажарилган ишлар ва икки ойликнинг аҳамияти ҳақида «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси бош муҳандиси ўринбосари Иброҳим САЙДАЛИЕВ бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Шаҳримиздаги барча истеъмолчиларнинг ҳар бир мавсумида етарли даражада, мунтазам ва хавф-хатарсиз «зангори олов» билан таъминлашга интилар эканмиз, айниқса, қишининг совуқ ва қировли кунлари зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Эрта баҳордан бошланган кўзги-қишки тайёргарлик ишларини яна бир бор кўридан ўтказиб, ниҳоясига етказишда «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги»нинг аҳамияти каттадир. Бу тадбир жамоамиз ходимларидан ташқари газдан мунтазам фойдаланувчи аҳоли зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу боисдан ҳам ходимларимиз ҳар бир хонадонда бўлиб тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Ушбу тадбирнинг ўтказилиши ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш мақсадида плакатлар тайёрланиб, аҳоли гаваҳим жойларга осиб қўйилди. Шунингдек аҳоли ўртасида газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тушунтириш мақсадида маҳаллаларга бориб, аниқланса газ асбобидан фойдаланиш таъкидланиб, истеъмолчилар газ ходими орқали ёки ўзлари белгиланган хизмат кўрсатиш корхоналарига мурожаат қилсалар, таъмирлаш ишлари амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун М. Улуғбек туманидаги Тошкент шаҳар йиғинига қарши кўраш жамияти, «Бунёдкор таъмир-сервис», Собир Раҳимов туманида жойлашган «Олимжон» маъсулияти чекланган жамиятлари ва «VERDA» хусусий фирмасига мурожаат этиш мумкин.

Утказилаётган икки ойлик давомида ва ҳаммиша газдан фойдаланувчи ҳамшаҳарларимиз эътибор қаратиши лозим бўлган қоидаларни ҳам эслатиб ўтиш лозим деб ўйлайман. Еқилган газ асбобларини назоратсиз қолдирмаслик, ёш болалар ҳамда газдан хавфсиз фойдаланиш йирикюмомаси билан танишмаган шахсларга газ асбобларидан фойдаланишга руҳсат бермаслик, газ плиталарининг бекорга ишлаб туришига йўл қўймамаслик, уни ёқиб хоналарни иситишда фойдаланмаслик керак. Нохуш ва хатарли воқеалар содир бўлмаслиги учун хонадон ва кўчаларда, ертўлаларда газ ҳидини сезган шахс зудлик билан эҳтиёт чорасини қўриши, Марказий авария диспетчерлик хизмати ёки тумангаз таъминот идораларига хабар бериши лозим.

Хабар бериши лозим.

Ҳамза туманидаги «Бунёдкор таъмир-сервис», Собир Раҳимов туманида жойлашган «Олимжон» маъсулияти чекланган жамиятлари ва «VERDA» хусусий фирмасига мурожаат этиш мумкин.

Утказилаётган икки ойлик давомида ва ҳаммиша газдан фойдаланувчи ҳамшаҳарларимиз эътибор қаратиши лозим бўлган қоидаларни ҳам эслатиб ўтиш лозим деб ўйлайман. Еқилган газ асбобларини назоратсиз қолдирмаслик, ёш болалар ҳамда газдан хавфсиз фойдаланиш йирикюмомаси билан танишмаган шахсларга газ асбобларидан фойдаланишга руҳсат бермаслик, газ плиталарининг бекорга ишлаб туришига йўл қўймамаслик, уни ёқиб хоналарни иситишда фойдаланмаслик керак. Нохуш ва хатарли воқеалар содир бўлмаслиги учун хонадон ва кўчаларда, ертўлаларда газ ҳидини сезган шахс зудлик билан эҳтиёт чорасини қўриши, Марказий авария диспетчерлик хизмати ёки тумангаз таъминот идораларига хабар бериши лозим.

Ҳар бир ҳамшаҳримиз ўтказилаётган икки ойликда фаол қатнашиб, газ асбобларини, дўлбуронларни ўз вақтида соғлашса, газдан фойдаланиш қоида-қоида амал қилса ва албатта, газ ҳақини тўлашни унутмасалар, шубҳасиз хонадонларида ҳаммиша «зангори олов» хавф-хатарсиз ва узлуксиз ёниб туради. Шунинг учун ҳам қиш тарафидида ҳаммиша ўз ҳиссасини қўйиши фойдадан холи бўлмайди.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.

# Сўранг, жавоб берамиз

## ХОНАДОН ЭГАСИНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Хонадон эгаси ширкатда қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

Наима Юсупова, Чилонзор тумани.

Ширкатга аъзо бўлган хонадон эгасининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат: яъни у мустақил равишда уй-жой мулкдорлари ширкатининг ва бошқа аъзолари билан келишмаган ҳолда ўз мулки - квартирани тасарруф этиш, ширкат бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш, ширкат фаолиятида шахсан ўзи ёки вакили орқали қатнашиш, ширкат фаолиятига ахборотни, жумладан, умумий мулк ҳолати ва унга қараш учун сарфланган ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотларни олиш, ширкат фаолиятини тақомиллаштириш ва унинг ишидаги камчиликларни тузатиш тўғрисида таклифлар киритиш, ширкат низомига ўзгартириш ва қўшим-

чалар киритиш масалалари бўйича овоз бериш ҳуқуқини истисно қилган ҳолда квартира ижарасига ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бериш — хонадон эгасининг ҳуқуқлари сирасига қиради.

Энди хонадон эгасининг ширкат аъзоси сифатидаги мажбуриятларига келсак, улар жумласига ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда умумий мулкдан фойдаланишга доир тўловлар ва бадалларни ҳамда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш, ширкат низоми талабларига, умумий йиғилиш ва бошқарув мажлислари талабларига риоя этиш, турар жойдан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва уни тегишли ҳолатда сақлаш, уйлар ва уларнинг ён - атрофини сақлашнинг техник, ёнгина қарши ва санитария қоидаларига риоя этиш, хонадон ичидидаги умумий фойдаланиш мулкларини текшириш, таъмирлаш ва алмаштириш имконини яратиш, умумий мулкка, бошқа мулкдорлар мулкига ўзи ёки оила аъзолари, квартира ижарачилари томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳамда бошқа мулкдорларнинг умумий мулкдан фойдаланишига доир ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказмаслик қиради. Шунинг учун умумий мулк, хонадонда истиқомат қилмаслик ва ундан фойдаланмаслик мулкдорни умумий мулкка нисбатан мавжуд мажбуриятлардан озод этмайди. Уй ёловчи ёки ижарачи томонидан мажбуриятларнинг бажарилмагани учун жавобгарлик квартира эгасининг зиммасида бўлади.



Пойтахтимиздаги «Аския» улгуржи савдо бозори, «Миробод», «Безъёгон», «Паркент», «Авиасозлар» деҳқон бозорларида радиотармоқдан фойдаланган ҳолда ҳар кунги бир неча марта тарғибот ишлари амалга оширилди. Шаҳримиздаги барча туман газтаъминот идоралари ходимлари бу ишга кенг жалб этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларига бириктирилган ҳудудларда иш олиб боришмоқда ҳамда икки ойликнинг муваффақиятли ўтишини, қишки тайёргарликнинг пухта бўлишини таъминлашга ҳисса қўлишмоқда.

Бугун қимматбаҳо бойлигари — газни тежаб-тергаб, исрофгарчиликсиз ишлатишда хусусий уйлар ва кўп қаватли турар жой биноларининг хонадонларида ўрнатилган газ ҳисоблагичларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Негаки, ўтказилаётган мониторинглар натижасида унинг қўрсатмоқдаки, газ ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадон соҳиблари нисбатан озроқ, яъни қанча сарфласа, шунга яраша қў тўлашмоқда.

## • ҚАРОР ВА ИЖРО

# ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА

Ҳар бир ишда, ҳамма нарсдан фойдаланишда тежамкорликнинг, исрофгарчиликка йўл қўймасликнинг аҳамияти каттадир. Мана бугун пойтахтимизда «зангори олов» кириб бормаган хонадон йўқ, десак адашмаймиз. Илгари газ бўлмаган даврда ўтин ишлатилган пайтларда ҳам ота-боболаримиз тежамкорликка эътибор қаратишган.

— Шўъба корхонамиз ҳам бунёдкорлик, ҳам ҳисоблагичлар ўрнатиш ишларини амалга ошириб келмоқда, — дейди раҳбар Низомиддин Умрзоқов. — Шу кунга қадар меҳнат қилган хонадонларимиздан ҳали бир қисмига газ ҳисоблагичлари ўрнатилган бўлиб, қолган қисмига эътибор қаратишда. Бу билан бирга ҳар бир кириб бормаган хонадонимиз аъзоларига ҳисоблагичларнинг аҳамияти, унинг оила бюджетига фойдаси, тежаб-тергажда энг яхши усул

эканлигини батафсил тушунтириб берамиз. Яна корхонамиз қошида махсус авария хизмати ташкил этганмиз. Кечаю кундуз фаолият кўрсатадиган ушбу бригада агарда ҳисоблагич ўрнатилган хонадонларда бирорта муаммо туғилиб қолса, зудлик билан ёрдам беришга тайёр туради. Хозирда корхона пайвандчилари «Сер-

## • НИГОҲ

# ДИНДАГИ ГАЙЛАР ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНСА БЎЛАДИ

Ҳакима АЛИЕВА, Андижон вилояти, Асака шаҳридаги «Навбахор» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:

— Мен ҳам бир неча йилдан буён ширкатга раҳбарлик қиламан. Урбан институт (Тошкент)нинг пойтахтга ўтказишдан анжуманларида қатнашиш учун келганимда шахрнингиздаги бир нечта ширкатларда бўлиб, уларнинг ҳолати, яшовчиларга яратилган қўлайликларни кўриб, ҳавас қилдим. Бу ерда иссиқ ва совуқ сув аҳолига мунтазам берилар экан. Лекин мана шундай қўлайликлардан фойдаланиб, хонадон эгаларининг тўловларини бажармаслик холлари мени ажаблантирди. Ширкат раислари ва ходимларининг ишлари билан танишдик, ўзаро тажриба алмашса бўлади-кан, бир - биримиздан ўрганадиган ишларимиз бор, албатта. Менимча уйларда тозалик ва орас-талликни сақлаш учун маҳалла хотин - қизлар комиссиялари фаоллик кўрсатишлари лозим. Ана шунда кўп қаватли уйларда яшовчи аёллар ҳам зиммаларидаги масъулиятни сезарди. Негаки, уйларнинг йўлакларидида 3-4 та зиналарни тозалаб қўйиш ҳам баъзида сансалорликка бориб тақалмоқда. Энг муҳими эса яшовчиларнинг бурч ва масъулиятларини, ҳуқуқларини тинмай, эринмай тушунтириб боришдир.



## ИСРОФИ ЎЗИМИЗГА ЗАРАР

Лекин уни истеъмолчиларга тоза, тиниқ, вақтида етказиб бериш учун соҳа мутахассислари кечаю кундуз меҳнат қилишди, қанча маблағ сарфланди. Буни ҳаммамиз ҳам билвермаймиз. Хонадонимизда бир соат сув бўлмай қолса, ташвишга тушамиз, лекин кўчаларда (суратда) мана шундай сув исроф бўлиб, беҳудага оқиб ётганини кўрсак, бепарво ўтиб кетаверамиз. Ахир бундай исрофгарчилик ўзимизга зарарку. Шу боисдан ҳам бебаҳо неъмат, нондай азиз сувнинг қадрига ҳаммиша етайлик.



## ЧИРОЙИНИ БУЗМАЙЛИК

Лекин мана шундай яратилган қўлайлик ва шарт-шароитларга зарар етказиб, баъзида ўриндиқларни қўйиб, устунларга «ранг-баранг» эълонларни чаплаб ташлаётган, бунинг устига (суратда) ахлатларни эрталаб фаррош тозалаб кетган, чикинди қутлиларга эмас, дуч келган жойга тўкиб кетаётган кимсаларга нима дейиш мумкин!? Ахир шахримиз чиройи, бекатларимиз кўрki, кўчаларимиз файзи ҳар биримизни гурурлантириши, бунга ҳисса қўшимиз зарур эмасми? Шунинг учун ҳам халқимизнинг «Уйнаб қилсанг ҳам, ўйлаб қил» деган нақлига амал қилайлик.

**БУ — ҚИЗИК**

Мартин Монтей хоним «Шанель» тажинчоқлари-ю, «Кристиан Диор» либосларини жуда ёқтиради. Яна-чи? Яна анҳор бўйидаги Заргарлик уйи унинг севган маскани, айникса 36 рақамли уйдан сира узоклашиш йўқ. Ўтган асрнинг ҳашаматли бу тош биноси аёлга яхши таниш. Нима бўлибди, деяписиз-а?

Хамма гап шундаки, Париж шаҳрининг анҳор бўйидаги Заргарлик уйининг биринчи қавати Мартин Монтей хонимга, яъни Франция ички ишлар вазири қарорига биноан тайинланган жиноят-қидирув ишлари гуруҳининг раҳбарига тегишли. Гуруҳ тергов ишларини олиб бориш услубига кўра, 110 нафар олий тоифадаги мутахассисларга эга. Ўз ўрнида ушбу мутахассисларга ўта бошқотирма ва чалкаш бўлган факулдотда ҳодисалар, жиноят изига тушиш, ҳал қилиш топширилади. Аксарият соҳа мутахассислари ўзларини ҳақиқий профессионал ва юсак инсофий фазилятлар эгаси бўлиши Мартин Монтей хонимнинг рўйхатидан жой олишни жуда орозу қилишади.

Дарҳақиқат 46 ёшли хоним ҳуқуқ-тартибот муассасаларидаги 20 йиллик хизмати давомида шунини исбот этдики, манаман деган ашаддӣ жиноятчиларнинг бурнини ерга бемалол ишқалаб қўйиш мумкин экан. Бу вақт мобайнида Мартин хоним Францияга етиб келувчи гивандлик моддаларининг бир қанча тармоғига йўлларини фоз этиш билан бирга кўзбўямачилик ва муттаҳамликни ўзларига касб қилиб олган кўплаб нуфузли ташкилотлар бетидаги ниқобни йиртиб ташлашга муваффақ бўлган.

Охириги икки йилда эса ўша заргарлик уйида уюшган жиноятчилик ва бандитизмга қарши курашувчи гуруҳга муваффақиятли равишда раҳбарлик қилмоқда. Унинг чиройли қилиб бўялган нафис кўлларини бўлса ҳамкасблари «темир кўл» деб аташади. Франциядаги «Эвенмандежеди» ҳафтаномасининг ёзишича, бундай ҳолатлар мамлакатда жуда кенг тарқалгандир.

Миллий махсус хизматининг яна бошқа содиқ ходими Мюраҳоннинг 80-йилларда француз ташки разведкасининг Шарқий Европа қисми йўналиши бўйича раҳбарлик қилган. Кейинчалик у Руминияда ишлаб, ўз ҳисобларида рўй беришдан анча йиллар аввал қайта куришининг чанг-тўзонлари-ю, Чаушеску ҳокимиятининг емирилишларини айтиб ўтган.

Шунингдек, аёллар Яқин Шарқ давлатлари разведкаси йўналиши бўйича ҳам энг муҳим лавозимларда хизмат қилганлар. Аммо даниялик Ханна Хансен ўзининг алоҳида жиҳатлари билан шу соҳада ишлайдиган кўпгина аёллардан фарқ қилиб туради. 1988 йилда у махсус хизматнинг бошлиғи этиб тайинланади, бундай масъулиятли лавозимни дунёда илк бора шу аёлга ишониб топширидилар. Аввал у полиция маҳкамасида, кейинчалик эса Копенгаген шаҳри бошқарувининг раиси муовини вазифасида ишлади. Дания қироллиғида 1-тартиб рақамли бу разведкачи аёл терроризмга қарши курашда ҳамда Англиядаги ўз ҳамкасбларига кўмак бериб, раҳбарлар назарига тушди. Ўз ўрнида Англиянинг «Эй-Ай 5» контрразведкаси ҳам улардан ўз хизматини аямаган.

**Оқнор ҲАЗРАТОВ тайёрлади.**



Оқнор кўз манзаралари

**МЕЪМОРЛАР ҚУРУЛТОЙИ**

Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида республика меъморлар уюшмасининг учинчи қурултойи ўтказилди.

Ҳар беш йилда бир марта чақириладиган қурултойининг сўнгиси 1998 йилда ўтказилганди. Қурултой архитектура соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, амалга ошириш, зарур бўлган галдаги вазифаларни белгилаб олишга қаратилган. Анжуманда республиканинг турли ҳудудларидан 160 нафар вакил ҳамда жамоат ташкилотлари, вазирликлар, идора ва корхона раҳбарлари иштирок этди.

— Мутахассис сифатида айтишим мумкинки, сўнгги 12 йилда неча йиллардан буён унут бўлиб кетган улғ алломаларимиз — Имом Бухорий, Мотурудий, Баҳоуддин Нақшбанд каби аждодларимизнинг илмда қолдирган изларини тиклаш борасида ҳукуматимиз томонидан катта ишлар амалга оширилди, — деди қурултой қатнашчиси Сайфулла Иброҳимов. — Хусусан, Самарқанд вилоятидаги Имом Ал Бухорий мажму-

аси жуда қисқа муддатда, яъни саккиз ойда қурилди. Шунингдек Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги бир қатор ёдгорликлар таъмирланди.

Ўзбекистон кундан кунга чирой очиб, сайқаллашиб бормоқда. Бу эса, хорижий тажрибалар асосида миллий аъналарга мос равишда бунёд этилаётган янгида янги иншоотлар, бинолар, йўллар ва тикланаётган тарихий обидалар ҳисобидандир. Унда меъмор ва қурувчиларнинг ўрни бекиёс. Қурилган ва қурилаётган ҳар бир иншоот Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришга хизмат қилади. Қурултойда мустақиллик йилларида яратилган яхши муаллифлик лойиҳалари ва энг яхши ўнта иншоот бўйича ғолиблар тақдирланди. Анжуман доирасида сўнгги йилларда бунёд этилган энг яхши бино ва иншоотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

“Туркистон-пресс”

**• МАТБАА**

**ЮҚОРИ СИФАТНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА**

Германия ўзининг матбаачилик сановати билан жаҳонга машҳур. Немис мутахассислари томонидан яратилган янги технологиялар матбаа маҳсулотларини юқори сифатда тайёрлашда қўл келмоқда.

«Ранида-105» русумли босма қурлма мосламаси шулар жумласидандир. Бундай замонавий техника намунаси республикамизга ҳам олиб келинди.

Тошкент картография фабрикасига ўрнатилган бу қурилмадан кадастр чизмаларини тайёрлашда муҳим мослама сифатида ҳам фойдаланилмоқда.

Шунингдек у геологик хариталарнинг сифатли бўлишини таъминламоқда.

Ақбар АЛИЕВ

**ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

Маълумки, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 22 июлдаги Фармонида асосан таъсис этилган эди. 2003 йил 4 августда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра ушбу мукофот номзодларини танлаш ва тақдирлаш ваколати «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашига берилди.

Низомнинг янги таҳрири бўйича «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизидан юсак ватанпарварлик, халқларварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилятларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шўхрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшлар тақдирланади. Ушбу нишонга номзодлар Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қуйи ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан тақдим этилади.

Икки ой давомида Марказий Кенгаш қўшида тузилган комиссия Ҳаракатнинг қуйи ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан тақдим этилган номзодларни ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқди. Улар орасидан

қишлоқ хўжалиги, sanoat, маданият, спорт, фан ва таълим, ҳарбий соҳаларда намунали фаолият кўрсатаётган ва ўзига хос ютуқларга эришаётган 22 нафари «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига муносиб деб баҳоланди ҳамда яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида бўлиб ўтган маросимда ёшларнинг бир гуруҳи тақдирланди.

Тошкент шаҳридан «Нихол» мукофоти совриндори Дилноза Исмияминова, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Ботир Усмонов, ихтирочи ёшларимиздан Тимур Ҳакимовлар «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Юртимизда ана шундай фидойи, жонқуяр, меҳнатсевар, ихтирочи ёшларимиз кўпаяверсин. Зеро, фарзандлари билимли, илмга чанқоқ юртининг эртаси нурли бўлади.

**Орзуғул РУСТАМОВА.**

**«Биеннале — 2003»**

**давом этимоқда**

«Санъат — бунёдкорлик ва инсонпарварлик тимсоли» шиори остида ўтаётган II Тошкент Халқаро бадий кўргазмаси иштирокчилари Халқ амалий санъат музейи, Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, Халқаро маданият қарвон саройи, Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри ва бошқа кўплаб маданият масканларида бўлди.

«Биеннале—2003» доирасида замонавий бадий жараён — долзарб муаммолар ва йўналишларга бағишланган илмий амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда тасвирий санъатнинг концептуал, авангард йўналиши, ушбу йўналишдаги асарларни намойиш этиш концепцияси, фото, видео тасвирларнинг бадий савияси хусусида атрофлича фикр юритилди.

— Мазкур Халқаро бадий кўргазма бугунги Ўзбекистон тасвирий санъатининг имкониятлари ва истиқболларини намойиш этиш билан бирга юртингиздаги мусаввирлар ижоди хусусида жаҳон жамоатчилигини боҳабар этишда муҳим аҳамият касб этади, — деди кўргазма ҳайъати раиси, франциялик тадқиқотчи Андре Навов.

— Кўргазмага ўзбек мўйқалам усталари, айникса ёш ижодкорлар томонидан тақдим этилган асарлар ўзининг миллий руҳи, ёрқин жилоси, чуқур философия мушоҳадага бойлиги билан санъат ихлосмандлари эътиборини жалб этмоқда. Биз кўргазма ишининг муваффақиятли давом этаётгани баробарида ўзбек халқининг самимиёлиги, меҳмондўст ва баррикенглигига яна бир қарра гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида Жанубий Корея мусаввирларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**СУРАТЛАРДА:**  
кўргазмадан лавҳалар.  
Дилшод Юсупов (ўЗА)  
олган суратлар





**Ўқурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !**  
**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.**  
**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ.**

Т-р	Объект номи	Объект манзили	Техник характеристикаси	Бошланғич нархи, сўм
1.	Бино қисми	А.Икромов тумани, 24-мавзе, 55-уй	147,0 кв.м.	3 622 820,0
2.	Бино қисми	Бектемир тумани, Ж.Тошкандий кўчаси, 57-уй	81,84 кв.м.	1 763 796,0
3.	Бино қисми	Бектемир тумани, Садовая кўчаси, 27-уй	84,5 кв.м.	1 402 250,0
4.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, «Корасу» даҳаси, 2-мавзе, 23-уй	1761,0 кв.м.	32 520 663,0
5.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, «Хумоюн» даҳаси, 3а-уй	481 кв.м.	9 791 800,0
6.	Бино қисми	Миробод тумани, «Қўйлик» даҳаси, 2-мавзе, 32-уй	53 кв.м.	909 820,0
7.	Бино қисми	Миробод тумани, «Қўйлик» даҳаси, 2-мавзе, 32-уй	50 кв.м.	858 332,0
8.	Бино қисми	Миробод тумани, Норулжаев кўчаси, 27-уй	283 кв.м.	5 731 080,0
9.	Бино қисми	Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 18-1-уй	38 кв.м.	626 250,0
10.	Бино қисми	С.Раҳимов тум. Сабон-Фаробий кўчаси, 2 блок, 2-сек.	45 кв.м.	6 773 751,0
11.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сабон-Фаробий кўчаси, 5-6-7-уйлар	123 кв.м.	19 520 350,0
12.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сабон-Фаробий кўчаси, секция-5, 2-уй	129 кв.м.	21 582 730,0
13.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сабон-Фаробий кўчаси, 5-уй (6-ба, 2-сек)	130 кв.м.	19 672 165,0
14.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сабон-Фаробий кўчаси, 6-уй (3-ба, 2-сек)	129 кв.м.	21 523 180,0
15.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сабон-Фаробий кўчаси, 5-6-7-уйлар	111 кв.м.	16 708 586,0
16.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сабон-Фаробий кўчаси, 5-6-7-уйлар	19,0 кв.м.	2 977 220,0
17.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сабон-Фаробий кўчаси, 2-блок, 2-сек.	129 кв.м.	19 418 098,0
18.	Бино қисми	Сергели тумани, «Спутник» даҳаси, 7-мавзе, 9-уй	30 кв.м.	383 110,0
19.	Бино қисми	Сергели тумани, «Спутник» даҳаси, 9-мавзе, 61-уй	461 кв.м.	5 055 515,0
20.	Бино қисми	Сергели тумани, Спутник даҳаси, 5-мавзе, 21-уй	74 кв.м.	887 270,0
21.	Бино қисми	Сергели тумани, «Спутник» даҳаси, 9-мавзе, 68-уй	86 кв.м.	1 320 552,0
22.	Бино қисми	Хамза тумани, «Газлабинг 40 виллиги» даҳаси, 2-мавзе, 8а-уй.	24,0 кв.м.	3 325 581,0
23.	Бино қисми	Хамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-уй.	14 кв.м.	419 849,0
24.	Бино қисми	Хамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-уй.	1080 кв.м.	30 802 280,0
25.	Бино қисми	Хамза тумани, М.Риёзий кўчаси, 7а-уй.	37,0 кв.м.	6 144 626,0
26.	Бино қисми	Чилонзор тумани, «Ал-Хоразмий» даҳаси, 1-уй	60 кв.м.	2 665 820,0
27.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Халқлар Дустлиги кўчаси, 16-уй.	17 кв.м.	2 675 141,0
28.	Бино қисми	Чилонзор тумани, 8-мавзе, 58-уй.	165,5 кв.м.	25 589 056,0
29.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Қурилиш 1-тор кўчаси, 6-уй.	512,63 кв.м.	16 730 450,0
30.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Х.Дустигли кўчаси, 16-уй.	66,0 кв.м.	10 260 210,0
31.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзе, 7а-уй.	61,19 кв.м.	1 495 447,0
32.	Бино қисми	Шайхонтоҳур тумани, Қирқ тор кўчаси, 34-уй	1473 кв.м.	48 648 225,0
33.	Бино қисми	Юнусобод тумани «Олой» бозори асосий биносининг 1-қаватлиги фойеининг 19-қисми	16,5 кв.м.	5 775 000,0
34.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори асосий биносининг 2-қавати	40 кв.м.	8 010 200,0

35.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори	39 кв.м.	13 650 000,0
36.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават.	43 кв.м.	6 450 000,0
37.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават.	43 кв.м.	6 450 000,0
38.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават.	42 кв.м.	6 300 000,0
39.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават.	42 кв.м.	6 300 000,0
40.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават.	42 кв.м.	6 300 000,0
41.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори марказий қисмида жойлашган асосий биносининг 2-қавати 2-қисми	84 кв.м.	12 600 000,0
42.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори бош биноси, 2-қават.	84 кв.м.	12 600 000,0
43.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори, асосий бино қисми (ҳожатхона)	451 кв.м.	63 602 112,0
44.	Бино қисми	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 1-уй	560 кв.м.	12 339 842,0
45.	Бино қисми	Яккасарой тумани, Абдуллаев кўчаси, 5-уй	48 кв.м.	739 367,0
46.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "D" блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси.	4203,6 кв.м.	425 000 000,0
47.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "E" блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси.	6419,3 кв.м.	150 000 000,0
48.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "F" блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси.	6104,5 кв.м.	20 000 000,0
49.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "A" блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси.	6583,6 кв.м.	45 000 000,0
50.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "G" блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси.	6623,0 кв.м.	60 000 000,0
51.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "H" блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси.	4109,0 кв.м.	145 000 000,0
52.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "K" блоки	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси.	6568,9 кв.м.	130 000 000,0
53.	"Нур" мажмуаси	М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уй	1 642,0 кв.м.	750 000 000,0
54.	Қурилиш тугалланмаган савдо-маиший хизмат блоклари	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси.	3 000,0 кв.м.	250 000 000,0
55.	Қурилиш тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси	Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5-енида	28700 кв.м.	59 921 772,0
56.	«1-сон уй-жой қурилиш комбинати» ОТАЖга қарашли Мазмурий бино қисми	Чилонзор тумани, 10-мавзе, 32а-уй.	510,0 кв.м.	38 889 455,0
57.	«1-сон уй-жой қурилиш комбинати» ОТАЖга қарашли «УОР-3» базаси	Миробод тумани, Эски Отчопар кўчаси, 3-уй	9329,0 кв.м.	48 154 625,0

Шунингдек савдоларда «Автомакон» ЁАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг А.Дониш шоҳобчасидаги, «Паркент бозори» ОАЖ, «Авиасозлар бозори» ОАЖ ҳудудларида тургун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.

**Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунинда «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**  
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**  
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**



**Ўқурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !**  
**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ БИНОЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БАЛАНСИДА БЎЛГАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ, «Ҳ.ОЛИМЖОН» МАЙДОНИ («ПОЙТАХТ БИЗНЕС МАЖМУАСИ»НИНГ ҒАРБИЙ ҚИСМИ)ДА ЖОЙЛАШГАН ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА**

Т/р	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм
1.	118	43 081 800
2.	113	41 256 300
3.	56	20 445 600
4.	110	40 161 000
5.	16	5 841 600
6.	78	28 477 800
7.	32	11 683 200
8.	34	12 413 400
9.	17	6 206 700
10.	62	22 636 200
11.	24	8 762 400
12.	72	26 287 200
13.	121	44 177 100
14.	81	29 573 100
15.	27	9 857 700
16.	16	5 841 600
17.	24	8 762 400
18.	154	56 225 400
19.	69	25 191 900

Т/р	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм
20.	26	9 492 600
21.	74	27 017 400
22.	147	53 669 700
23.	65	23 731 500
24.	205	74 845 500
25.	434	158 453 400
26.	141	51 479 100
27.	219	79 956 900
28.	72	26 287 200
29.	1004	366 560 400
30.	385	140 563 500
31.	235	85 798 500
32.	78	28 477 800
33.	257	93 830 700
34.	74	27 017 400
35.	76	27 747 600
36.	77	28 112 700
37.	72	26 287 200

**Биржа савдолари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар кунини «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**  
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**  
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**

**СПОРТ**

**ЧЕМПИОНЛИК  
МУБОРАК,  
«ПАХТАКОР!»**

Мамлакат XII миллий чемпионатининг 26-тур беллашувлари «Пахтакор» мухлислари кўнглини шод этди. Ўз майдонларида «Самарқанд-Динамо» жамоаси футболчилари билан куч синашган пахтакорчилар ҳужумкор, комбинацион ва тезкор ўйин намойиш этишиб, самарқандликлар дарвозасини 2 марта аниқ нишонга ола билишди. Учрашув охиригача Копадзе ва Жепаров томонидан йўланган голларга муносиб жавоб қайтара олмаган самарқандликлар мағлубияти «Пахтакор» жамоасини муддатидан аввал чемпион қилди. Ушбу мавсумни кўнглидагидек яқунлаб тўртинчи мартаба чемпионликка эришган пахтакорчиларни кўпминг сонли ишқибозлар номидан кутлаймиз.

Қолган учрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди:

«Гулистон» — «Насаф» 1:2,  
«Машъал» — «Бухоро» 3:0, «Металлург» — «Андижон» 3:1, «Кизилкум» — «Кўкон-1912» 5:1,  
«Сурхон» — «Нефтичи» 1:3, «Цементчи» — «Навбахор» 0:2,  
«Дўстлик» — «Трактор» 2:0.

Навбатдаги 27-тур бахслари 17 октябрда бўлиб ўтади.

**ШАХАР  
БИРИНЧИЛИГИ  
БОШЛАНДИ**

Нафис спорт турларидан бири бўлмиш бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари бошланди. Шуниси эътиборлики, ушбу мусобақаларда 10 нафар спорт устаси ҳамда 22 нафар спорт усталитига номзодлар бадиий гимнастиканинг тўрт йўналишида голиблик учун ўзаро баҳс олиб боришади. Мутахассисларнинг фикрича, биринчилик голиби бўлиш учун Екатерина Бабина ва Марина Сержантоваларда имконият кўпроқ.

**ЁШ  
САМБОЧИЛАРИМИЗ  
МУВАФФАҚИЯТИ**

Қозоғистоннинг Уралъск шаҳарида самбо бўйича ёшлар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида жаҳон биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда курраи заминнинг 18 та давлатидан ташриф буюрган 307 нафар ёш самбочилар ғалаба учун кураш олиб боришди.


Шуни қувонч билан қайд этиш жоизки, Дилмурод Мавлонов, Илья Сагиров, Элдор Гуломов, Гулзера Каримова, Дилноза Қамбаровалар финал бахсларига йўланма олишиб, кумуш нишонларини қўлга киритишди. Яна саккиз нафар ўсмирлар ва қизларимиз бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди.

Республика Олимпия заҳиралари коллежидида уч кун давомида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон Кубоги беллашувлари бўлиб ўтди. Катнашчилар 56, 62, 69, 77, 85, 94, 105 ва ундан ортиқ бўлган саккизта вазн тоифалари бўйича баҳс юритдилар.

**ЖАҲОН  
ЧЕМПИОНАТИДА  
ҚАТНАШИШАДИ**

Одатга кўра энг оғир вазнлар ўртасидаги беллашувлар ўзининг шиддати ва мурасасизлиги билан ажралиб турди. Унда олимпиада ўйинлари қатнашчиси Игорь Халилов, Владислав Кедрачев, Шохруҳ Алихўжаев ва Александр Уринов каби маҳоратли ва бой тажрибага эга спортчилар ғалаба учун кураш олиб боришди. Даст кўтаришда Уринов барчадан ўзиб кетган ҳолда 190 килограмм вазни забт этмоқчи бўлди. Бироқ уни ўзига бўйсундирилмади. Силтаб кўтариш мусобақасида эса Игорь Халиловга тенг келадиганлар топилмади. У ушбу йўналишда 235 килограмм вазни кўтаришга муваффақ бўлди ва иккикураш бўйича 420 килограмм натижа кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Кубогининг соҳиби бўлди. Даст ва силтаб кўтариш усуллари бўйича 400 килограмм натижа кўрсатган Александр Уринов иккинчи ўринни банд этди.

Қолган вазнларда эса Руслан Макарров, Баҳром Мендибоев, Сухроб Рауфов, Маҳмуд Тоғаев, Ботир Усмонов, Фозилбек Ура-



зимбетовлар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан жой олишди. Шуниси қизиқки, Александр Уринов 105 килограммга полвонлар баҳсида ҳам қатнашиб, голиб чиқишга муваффақ бўлди.

Бундан ташқари фахрийлар ўртасида ҳам мусобақалар ташкил этилиб, унда Геннадий Спешиллов ва Зуфар Бибарцевлар 210 ва 230 килограмм натижалар билан голиб чиқишди.

Фолиблар мусобақа ташкилотчилари — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика ҳамда федерациялари томонидан қимматбаҳо совғалар, Фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Ўзбекистон Кубоги голиблари шу йилнинг 14-22 ноябрда Канадада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ушбу мусобақа келаси йили Грецияда ўтказиладиган олимпиадага саралаш турнири вазифасини ўтайди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ  
СУРАТДА: Ўзбекистон  
Кубоги баҳсларидан олган  
Алексей Попов олган  
сурат.**

**Қайра**

**ҚАДРИНГИЗГА  
ЁТА ОЛДИМИ?**

— Болам, иссиқроқ кийингин, совуқ қотиб қолсан! Ялт этиб онамга қарадим. У менга адоқсиз меҳр билан термулиб турарди. Шунда... Ёши тўқсондан ошган Гулниса момонинг сўзларини эсладим: «Оналарингни авайланглар. Қадрига етинглар. Агар киши ўз онасини елкасида кўтариб, Маккаи Муқаррамага пиёда олиб бориб келса ҳам, унинг бу меҳнати онасининг йўқусиз ўтказган бир кечасининг ўрнини босолмайди» дегувчи эдилар.

Мен онамни авайлай олдимми? Унинг қадрига етганимми? Асло, онам эса икки фарзандли бўлибману, ҳамон мени кичкина боласидек авайлайди, қадримга етадилар. «Эҳ, онагинам, — дейман ич-ичимдан эзилиб. — Бизни дег оқарган сочларингизнинг ҳар толасини кўзларимга суртсам ҳам камлик қилур. Пойи қадамингизга саждалар қилиб, изларингизни ўпсамда, озлик қилур. Айтинг, мен сиз учун нима қилай? Йўқ неки қилмайин, сизнинг буюк меҳрингиз олдида жуда-жуда ожизман. Сиз шу қадар мўътабар, шу қадар муқаддас этисизки, меҳрингиз тафтидан олам яшарайди, яшайди.

— Бугунимиз ва эртамининг тинчлиги учун сиз омон бўлинг. — Онажон! — дея ҳайқиргим келади.

— Сиз учун, Сизнинг фарзандларингиз учун тинчлик, омонлик бўлсин, муҳтарам Аёл,—дея ҳайқиради дунё.



**Сўзсиз сурат  
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Тошкент шаҳрида табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар диққатига!**

2003 йил 1 октябрдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 сентябрдан тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи йил мобайнида беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобда белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (1 кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори белгиланган тарифлар бўйича ҳўланади. Иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори бўлган ҳажми учун газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобда ҳақ тўланади.

1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	60,92
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ оқват пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-/-	10 м³	105,28
	Иситиш учун	-/-	10 м³	48,82

**Эслатма:** 2003 йил 11 октябргача газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича эски (10 м³ - 55,38 сўм) нарх ҳисобидида олинади. 2003 йил 11 октябрдан бошлаб газ ҳақи янги тариф бўйича олинади.

2. Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчилар тақсирномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			Йиллик	Ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда оқват пишириш учун манший газ плитаси	1 кишига 11 м³	1389,72	115,81
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда оқват пишириш учун манший газ плитаси	1 кишига 15 м³	1895,04	157,92
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланмаган уйларда иссиқ сув билан таъминланган учун газли сув иситиш	1 кишига 16 м³	2021,40	168,45
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар яқка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақвим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1м²га 2,4 м³	140,58	11,71

**«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси**

**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилими: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.  
3871 нускадан босилди. Қўғоғи биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.**

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардан почта бўлимларига ёки «Тошкент» поштоматога — 133-7405 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа техникадорлик компанияси босмахонасиди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.